

# НУШУШУ

3-aprel,  
chorshanba  
# 15

(226)

YURIDIK GAZETA

April

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Y	7	14	21	28	

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

● СЕССИЯДАН СЕССИЯГАЧА

## ТАРИХГА АЙЛАНГАН ТҮРТ ОЙ

**БАКТ** – тенги йўқ бойлик. Мустақил Ўзбекистон учун, истиқлолнинг имкониятларини, неъматларини, яхши томонларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсадида курашаётган инсонлар учун, айниқса, вақтнинг қадри бебаҳо. Ва ана шу баҳосиз вақт мезонлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтган иккинчи чакриқ еттинчи сессияси ҳамда эртага иш бошлайдиган саккизинчи сессияси оралиғида амалга оширилган ишларни баҳолайдиган, ўлчайдиган бўлса, замондошларимиз тарих зарварларига битишга арзигулик муҳим воқеаларнинг бевоқифа иштирокчилари бўлиб туришганини аён ҳис этамиз.

Олий Мажлисининг еттинчи сессияси қабул қилган икки палатали парламент сайлаш ва Президентнинг конституциявий ваколат мuddатини етти йилга ўзгартириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарори йигирма биринчи аср бошида мамлакатимиз ҳаётида юз берган муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлиб қолди.

Мустақиллик демократияси, биз интилган курашчан демократик тамойиллар, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида ўн йил давомида катта курашлар билан эгаллаган мафкуравий позициямиз референдум қунларида ўзига хос синовдан ўтди. Референдумда қатнашганларнинг 93,65 фоизи келгусида икки палатали парламент сайлашни ёқлаб овоз бердилар; 91,78 фоизи президентнинг конституциявий ваколат мuddатини 7 йилга ўзгартириш тарафдорли бўлишди. Умумхалқ кенгашининг бу овози Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибидеги қуйидаги биринчи ўрта масаланинг мағизини ташкил этади:

1. Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси тўғрисида.
3. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида.

Демак, референдумнинг, яъни умумхалқ кенгашининг муваффақиятли яқуни Ўзбекистон Конституцияси ва қонунарига демократик янгиланишларнинг навбатдаги босқичига мос равишда тегишли ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлади. Давлат қурилишини шунга мувофиқ ривожлантириш имконини берадиган янги қонунлар қабул қилиш учун йўл очади.

Сессиядан сессиягача ўтган қисқа даврда амалга оширилган ишлар ҳақида гап кетганда, Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида қабул қилingan қонунлар ва айрим қонун ҳужжатларига киритилган муҳим ўзгаришлар амалга ошираётган ислохотларимизнинг тегишли бўгинларини ҳаракатлантиришда самарали ишлаётганлигини алоҳида таъкидламоқ даркор.

Маъзур сессияда қабул қилинган «Шаҳарсозлик кодекси» лойиҳаси, «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Сугурта фаолияти тўғрисида», «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги ва бошқа қонун лойиҳалари матбуотда, меҳнат жамоаларида, ҳуқуқ-тартибот идораларида ва тегишли институтларда қизғин муҳокама қилиниб, уларни такомиллаштиришга доир қimmatли тақлиф-мулоҳазалар Олий Мажлисининг қўмита ва комиссияларида чуқур таҳлил этилди.

Сирдан қараганда, ҳар бир қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасидан силлиқина ўтиб кетаётгандай туюлгани билан аслида сессиягача бўлган жараён қадамларга; тортишувларга ва фикрий курашларга бой бўлади. Сессия муҳокамасига эса, турли партиялар ва депутатлар гуруҳларининг бир нуктага жамланган ҳулосаларини ифодалаган қонун ёки қонун лойиҳаси тақдим этилади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбарларида ва бошқа бир қатор халқро йиғинлардаги қийшларда Президентимиз терроризм ва диний экстремизмга қарши Ўзбекистоннинг позициясини аниқ баён этган ҳамда бу хавфли вабога қарши қўчларни бирлаштириш ҳақида муайян тақлифларни ўртага ташлаган эди. Олий Мажлис еттинчи сессиясининг Ўзбекистон халқига «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик» деган мурожаатномаси Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси қатъий эканлигини депутатларимиз овози билан яна бир бор тасдиқлаб берди. Бу муҳим ҳужжат тезда дунёдаги қўлпab ривожланган давлатлар парламентларининг ва сиёсий арбобларининг диққатини тортиди. Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик майдонларида Ўзбекистонга эса бошлаган илқ шабодаларнинг кучайгани, жаҳон ҳамжамиятида давлатимизнинг обрўси янада ошиб бораётгани қўп жиҳатдан ана шу ўзгаришларга ҳам боғлиқ, албатта. Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг турли даражадаги учрашувларида, Ўзбекистон Президентининг шу даврда бир қатор обрўли давлат, жамоат арбоблари ва йирик иқтисодчилар билан учрашувлари ҳамда қабулларида, айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг муваффақиятли ўтган Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифида бу илқлик аниқ кўзга ташланди ва эътироф этилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган Дастур доирасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг муҳтож қатламларини иқтисодий ҳимоялашни кучайтиришга доир ҳамда иш ҳақи тўловларини тартибга солиш ва оширишга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари сўзсиз ҳар бир оила бюджетига ижобий таъсир кўрсатади.

Сирдан қараганда мамлакатимиз улкан қурилишлар хавозасини эслатади. Яқиндагина дунёда тенги йўқ Муборак кимё комплексини ишга туширган эдик. Ҳақли равишда мусиқа касри, деб эътироф этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Сўзсиз эртага иш бошлайдиган Ўзбекистон Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қабул қилинадиган ҳужжатлар халқимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида янги муҳим ўзгаришларга асос солади.



## БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР БАЙРАМИ

Баҳор бизга гулу ёмғирлари, камалаклари билангина эмас, барчага бирдай шодлик бахш этувчи байрамлари билан ҳам қадрлидир. Раён гулининг ифори мисол ҳали кўнгилдан яқиндагина нишонлаганимиз аёллар байрамнинг қайфияти кетмай туриб, юртимизда Наврўз тантаналари бошланиб кетди. Уйғонши, яшариш, меҳр-муруват, эзгулик байрами бўлиш билан бирга Наврўзнинг яна бир хусусияти шундаки, у бир ё икки кунлик хурсандчилик эмас. Навоий ҳазратлари: «Хар тунинг Қадр ўлубон, хар кунинг ўлсун Наврўз» деганларидай, ҳали бу байрамнинг шукҳи кўнгилларда узоқ вақт сақланиб қолажак.

29 март куни Республика Бош прокуратураси биноси прокуратура ходимлари, фахрийлари, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Байрамни Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашидтон Қодиров очиб, йиғилганларни Наврўзи олам билан кутлади.

– Бу йилги байрамнинг ўзгача гашти бор, – деди Рашидтон Ҳамидович ўз нутқида, – биз Ҳиламизки, Наврўз – боқий қадриятлар байрами. Президентимиз томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» дея эълон қилинган йилда амалга ошираётган эзгу ишларимиз меҳр-муруват, саховат байрами бўлмиш

Наврўз руҳига тўла-тўқис мос келади. Барчангизга халқимизнинг энг қадимий, энг қутлуғ, шукҳуҳли байрами муборак бўлсин!

Шундан сўнг байрам муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ прокуратура ходимларига «Прокуратура фахрийси» нишонлари, эсдалик совғалари, унвон, мукофот ва фахрий ёрлиқларни топшириш маросими бўлиб, дастурхон атрофида самимий гурунглр, уйин-кулгу давом этди. Йиғилганлар мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли санъаткорлари санъатидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Суратларда: Наврўз байрамидан лавҳалар.

## Чоршанбадан Чоршанбагача

28 март

Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиати муҳофазат қилиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

29 март

Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов Оксаройда «Нестле» корпорациясининг Осиё, Африка, Австралия, Океания ва Яқин Шарқ минтақалари бўйича президенти Майкл Гарретни қабул қилди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори матбуотда эълон қилинди.

2 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсшининг чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar:**

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Shavkat Yodgorov

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**  
133-82-34**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalari  
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq» dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 24.414

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 18.30

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**

H. NISHONOV

**Navbatchi:** F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

**● БУ ХАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДАГИ ЙИГИЛИШДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ**

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига, хусусан ерга бўлган юзаси муносабатларимизнинг салбий оқибатлари яққол сезилиб қолди: ерларнинг шўрланиши кучайди, ҳатто ҳосилдор ерлар ҳам қўтилган натижани бермай қўйди. Оқибатда аксарият вилоятларимизда давлатга пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишнинг йиллик режалари удаланмаяпти. Бир сўз билан айтганда, аввал ерни тўйдирмасдан, ундан элни тўйдиршни талаб қиляпмиз. Мутахассислар тили билан айтганда, «йўқотиш»ларимизнинг бир учи кузги шудгорлашнинг чўзилиб кетишига қадалса, иккинчи учи, экин майдонларига маҳаллий ва минерал ўғитларнинг кам миқдорда чиқарилишига бориб тақалади. Хўш, маҳаллий ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланишга нима тўсқинлик қиляпти? «Ўзкимёсанот» компанияси тизимидаги «Аммофос» (Олмалик), «Навоийазот», Чирчиқдаги «Электркимёсанот», «Фарғонаазот» бирлашмалари, Самарқанддаги кимё, Қўқондаги суперфосфат заводлари маромида ишлаб турган, «Ўқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компаниясининг вилоятлардаги бирлашма ва филиаллари деҳқонга кўмакка шай туришган бўлса, бундай етишмовчиликларга сабаб нима? Бу ҳақда узоқ бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Ҳамма гап тизимлар ишидаги меъёрий бузилишларда, назоратнинг сустлигида.

Самарқанд вилояти прокуратураси органлари томонидан «Ўзкимёсанот» ва «Ўқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компаниялари тизимларида минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сақлашнинг қонунчилиги, қишлоқхўжалик корхоналарини бу маҳсулотлар билан таъминлаш аҳолини ўрганиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият, шартнома ва тўлов интизомини тўғрисидаги қонунлар юзасидан ўтказилган текширишлар ана шундай узил-кесил ҳулосага келишимизга сабаб бўлди.

Эслатиб ўтиш лозимки, муқаддам ўтказилган текширишларда ушбу тизим корхоналари мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида жуда кўп миқдорда минерал ўғитлар талон-торож қилинганлиги аниқланиб, айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилган ва етказилган зарарлар ундирилган эди. Хусусан, 2001 йилда умумий қиймати 132 миллион 498 минг сўмлик минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар талон-торож қилинганлиги аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган ва барчаси айблов ҳулосалари билан судга юборилган.

Шунингдек, тегишли ташкилот ва корхоналарга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида таждимномалар киритилган, 18 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилган, 34 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарлик-

дебиторлик қараларнинг мuddати ўтишига йўл қўйишган.

Корхонанинг бошқа раҳбарлари ҳам давлат мулкни «туя қилиш» борасида раҳбарларидан қолишмаганлар. Бош муҳандис Р.Баҳриддинов ва цех бошлиғи С.Қўбиловлар жиноий тил бириктириб, сифатсиз ишлаб чиқарилган ва давлат стандартларига тўғри келмайдиган 5 миллион 671 минг сўмлик 46,3 тонна аммофос ва 26 миллион 520 минг сўмлик 1200 тонна суперфосфат минерал ўғитини истеъмолчиларга етказиб бериб, уларнинг манфаатларига зарар етказганлар.

Ушбу ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Минерал ўғитлар танқис бўлган

# КАМОМАД КИМНИНГ ГАРДАНИДА?

ка тортилиб, 10 миллион сўмдан ортик камомаднинг ихтиёрий ундирилишига эришилган. Лекин афсуслики, ўтказилган текширишларда юқорида кўрсатилган тизим вақилоқ хўжалик корхоналарида қонун бузилиши ҳолатлари ҳамон бартавраф этилмаётганлиги аниқланди.

«Ўзкимёсанот» компаниясига қарашли Самарқанд кимё заводида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга етказиб бериш қоникарсиз ташкил этилган. Бундан ташқари, раҳбарият ва мутасадди ходимлар томонидан заводни замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминлаш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, мулкнинг сақланишини таъминлаш чоралари кўрилмаган.

Завод директори А.Гасанов бош ҳисобчи М.Ҳожиёв билан тил бириктириб, ўтган йил мобайнида корхона мулкни гайриқонуний равишда хусусийлаштириб, давлатга 24 миллион сўмдан ортик зарар етказган. Бундан ташқари улар солиқларни ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганликлари оқибатида давлатга 6 миллион сўмдан зиёд зарар етказилган, 234 минг сўмлик

бир шариотда, «Ўзкимёсанот» компанияси тизимидаги корхоналар томонидан айрим фермер хўжаликларига 10-15 гектар ер майдонини учун тўғридан-тўғри шартнома асосида 500-600 тонналарга минерал ўғитларни сотиш ҳолларига йўл қўйилганлиги сабабли компания раҳбарияти таъминотдаги бундай тенгсизликларга қатъий барҳам бериши лозим эди. Тегишли идоралар уларни бу ҳақда жиддий оғохлантиришган. Афтидан компания тизимидаги айрим корхона раҳбарлари бундан тегишли ҳулоса чиқарилмаган кўринади.

Масалан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ургут туманидаги қатор фермер хўжаликлари ва корхоналарига «ҳотамтойлик» кўрсатиб, 100 тоннадан 462 тоннагача минерал ўғитларни бериб юборган.

Самарқанд вилояти «Қишлоқхўжалик-кимё» акциядорлик бирлашмасининг раҳбар ва мутасадди ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғитлар билан таъминлашда турли тафовутлар юзага келган. Хусусан, Иштихон туманидаги фермер хўжаликлари

билан тузилган шартнома шартлари бузилиб, 2002 йилги ғалла ҳосили учун 236 тонна фосфорли ўғит кам етказиб берилган. 148 тонна калийли ўғит эса умуман берилмаган.

Текширишлар шунини кўрсатадики, айрим ширкат хўжаликларига минерал ўғитларни сақлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Хусусан, бирлашмага қарашли «Зарафшон» минерал ўғитларни сақлаш базаси бир неча йиллардан буён таъмирланмаган.

Жорий йилнинг 4 мартда «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан кимё «Қишлоқхўжалик-кимё» акциядорлик бирлашмасининг Жомбой туман филиалига келган иккита махсус вагон қайта ўлчанганида 550 минг сўмлик юк хатига нисбатан жами 15100 килограмм қорбамид минерал ўғити кам чиққанлиги аниқланди ва ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан «Қишлоқхўжалик-кимё» акциядорлик бирлашмасининг Булунгур туман филиалига етказилган айрим вагонларда ҳам юк хатига нисбатан анча кам мине-

рал ўғит қайёт этилган. Масала моҳиятига келганда ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳам, темир йўл мутасадди идоралари ҳам, «Қишлоқхўжалик-кимё» акциядорлик бирлашмаси туман филиаллари ҳам айбини шартдан соқит қилишига уринишгани уринишган.

Айбдорлар-ку, аниқланмасдан қолмайди. Аммо бизни ташвишга соладиган яна бир савол бор. Вагонларда ғойиб бўлган ёхуд қўлмақўл оширилган минерал ўғитлар камомади кимнинг гарданига бориб тушади? Биринчи бўлишини, касоси оқаришини кутиб яшаётган деҳқон зиммасига эмасми? Далаларга сепилмай, «сепилди» қилинган минерал ўғитлар билан ерни алдаяпмизми ёки ўзимизними?

Ўйлаймизки, юқоридаги ҳолатлар бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатларида бу каби саволларга жавоб берилади.

**Акбар АЗИЗОВ,**  
Самарқанд вилояти  
прокурорининг ўринбосари.  
**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**  
«Хуқуқ» муҳбири

## ЎФИРЛАНГАН ЎҒИТЛАР

Оқолтин тумани прокуратураси томонидан «Ўзкимёсанот» ва «Ўқишлоқхўжалик-кимё» давлат акциядорлик компанияларининг тумандаги корхоналарида минерал ўғитлар, кимёвий воситаларнинг ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилиши, уларнинг сақланиши ҳамда махсудли сарфланиши мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ўтказилган текширишларда маҳсулот учун ҳақни тўлиқ тўламаган корхоналарга такоран минерал ўғитлар етказиб берилганлиги, шартномаларни бажаришда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги, ўғитларни тақсимлаш ва фонд интизомига риоя қилишда кимёвий маҳсулотларни ноўрин ишлатиш ҳолатлари мавжудлиги маълум бўлди.

Жумладан, С.Сиддиқов номли ширкат хўжалигининг мансабдор шахслари 2002 йил январь, февраль ойларида Янгйер шаҳар минерал ўғитлар базасидан олиб келинган баҳоси 1 миллион сўмдан ортик 32,9 тонна аммиакли селитрани талон-торож қилганлар. Шунингдек, Қ.Укубаев номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг омбор мудири О. Кулиев 7 тонна ўғитни ўзлаштириб юборган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Баҳодир КАРИМОВ,**  
Оқолтин тумани прокурори.  
**Суратлар муаллифи Фурқат ТОШМАТОВ**



мактублар  
шикоятлар  
жавоблар

# ● ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

Поп туманида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, унинг олдини олиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган йили жиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан, ўғирлик 11,7 фоизга, фирибгарлик 66,6 фоизга камайгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунда туман прокуратурасининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мухбиримиз туман прокурори А.Ира-нов билан шу ҳусусда суҳбатлашди.

— Абдусаттор ака, маълумки, айрим корхона ва ширкат хўжаликларидида тадбиркорлар, фермерлар ҳуқуқини чекловчи қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб турибди...

— Ота-боболаримиздан қолган «етти ўлчаб бир кес», деган нақл бор. Бу ҳаммага, кўпроқ раҳбарларга ҳам тегишли. Негаки, бутун бир жамоанинг тақдирини, келажаги унинг удадуборчилигига, ақл-заковат билан иш юритишига боғлиқ. Афсуски, айрим раҳбарлар мана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйишмоқда. Уларнинг шошма-шошарлик билан қилаётган хатти-ҳаракатлари қонун бузилишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, ўтган йил давомида мутасадди раҳбарлар томонидан амалдаги қонунларга зид равишда 21 та ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Биз уларнинг ҳаммасига протест келтириб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилдик. Масалан, «Навбахор» қишлоқ хўжалик корхонаси негизда «Камолиддин» фермер хўжалиги ташкил этилиб, 19,2 гектар ер унга 50 йил муддатга ажарага берилган. Лекин фермер давлат буюртмасини мунтазам бажариб келган бўлса-да, унинг ихтиёридаги экин майдони олиб қўйилган. Фермернинг норозиликка қарамай бу ҳақда «Навбахор» қишлоқ хўжалик корхонаси қарор чиқарган.

Холбуки, «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ти Қонуннинг 12-моддасида «Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин», дея аниқ кўрсатиб ўтилган. Бироқ орадан икки ой ўтса ҳамки махсус ололмайд сарсон бўлган. Шундан сўнг фермер хўжалиги раҳбари Р.Турсунов бизга ариза билан мурожаат қилди. Ариза атрофлича ўрганилиб, шартнома шартлари ҳиссадорлик жамияти томонидан бузилганлиги аниқланди.

Биринчи ҳолат бўйича «Навбахор» қишлоқ хўжалик корхонаси қарорига протест келтирилиб, ноконуний олиб қўйилган экин майдони фермер ихтиёрига қайтарилди. Иккинчи ҳолат бўйича эса туман прокуратураси аралашуви билан «Рохат» фермер хўжалигига «Попдонмахсулот» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан 100 минг сўмлик омухта ем берилиши таъминланди. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Бундай салбий ҳолатларнинг илҳизи қаярда? Балки мутасадди раҳбарлар амалдаги қонунлардан, уларга киритилмаётган ўзгартишлардан бехабардир. Балки уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масаласини жиддий ўйлаб кўриш керакдир.

— Бу фикрга қўшиламан. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган эканмиз, ҳар бир фуқаро, айниқса, раҳбарлар ҳуқуқий саводхон бўлиши керак. Негаки, раҳбар қанчалик тадбиркор, ишбилармон бўлмасин, ҳуқуқий билими етарли бўлмас эзоққа бормайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, биз ҳуқуқий тарғибот масаласига алоҳида эътибор бераёلمиз. Қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида туманимиздаги мавжуд корхона, ташкилот, хўжаликлар раҳбарлари билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб тураемиз. Айниқса, янги қонунлар қабул қилинганда ёки мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритилганда буни мутасадди раҳбарларга албатта етказамиз.

— Лекин шунга қарамай фуқаролардан тушайётган аризалар сонини камаймаяпти.

— Тўғри, юқоридида қайд этилганидек, бир йил давомида битта туманда 21 та ҳуқуқий ҳужжатларга протест келтирилиб, уллар бекор қилинганлиги салбий кўрсаткич. Бу яна шунини кўрсатадики, прокуратура билан фуқаролар ўртасидаги ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тадбиркорлар, фермерлар, умуман, фуқаролар прокуратура ходимларини ўзларининг энг яқин кўмакчиси, ҳимоячиси деб билмоқдалар. Шу боис ҳам ариза ва шикоят билан мурожаат қилувчилар сонини кўп. Улар учун эса эшигимиз ҳаммиша очик ва бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолдирилмайди.

Суҳбатдош: А.МАДАТОВ,  
«Хуқуқ» мухбири

# «ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

«Хуқуқ» да босилмаса ҳам...

## ҚАРЗДОРЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Фуқаро Ф.Солиев Андижон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1999 йилнинг февраль ойида жавобгарлар М.Ўринбоева ва М.Маликовга тилхат орқали бир ой муддатда қайтариш шarti билан берган пулини ундириб беришни сўраган.

2001 йил 21 сентябрда даъво қисман қаноатлантирилиб, Ф.Солиев фойдасига 160 минг сўм ундириш ҳақида Андижон туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарори чиқарилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг, унинг ижросини таъминлаш учун тааллуқлилиги бўйича Олтинкўл тумани суд ижрочилари бўлимига юборилган.

Туман суд ижрочилари бўлимининг катта ижрочиси томонидан ижро иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, қарздорларнинг ихтиёрида мол-мулк йўқлиги аниқланган.

Ушбу маълумот қарздорлар яшаб келаётган манзилга чиқиб текширилганда ҳозирда иккала қарздорлар Тошкент шаҳрига савдо билан шуғулланиш учун кетганлиги маълум бўлган ва бу ҳақда далолатнома тузилган.

Ҳозирда суд ижрочиси томонидан қарздорларни қидириб топиш бўйича тегишли чоралар кўрилмақда.

Мазкур иш бўйича суд қарорининг ижроси вилоят прокуратураси ва департаментнинг вилоят ҳудудий бўлими томонидан алоҳида назоратга олиниб, ариза муаллифига ёзма равишда маълум қилинди.

К.МАМАТОВ,  
Андижон вилояти  
прокурорининг ўринбосари

## ПУЛ ЎРНИГА МАҲСУЛОТ БЕРИШАДИ...

Биз Избоскан туманидаги «Пилла» давлат корхонасида ишлаймиз. 2000 йил август ойида директори-миз А.Мамажонов ишдан озод қилиниб, ўрнига А.Йўлдошев тайинланган эди. Шундан буён ойлик маош-мизни нақд пулда оломаймиз. Иш ҳақида гуруч, чой, пахта ёғи беришади.

Ходимларнинг ўртача 5-6 тадан фарзанди бор. Уларни едириш, кийдириш, ўқитишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига ҳар биримизнинг олинмаган 100-150 минг сўм иш ҳақимиз тўпланиб қолган. Пилла-корларга ҳам пул ўрнига маҳсулот беришади. Бундай аҳволда одамнинг ишлагиси келадими? Бундай турли тўловларни вақтида тўлай олаялмиз.

Хуллас, иш ҳақимизни ўз вақтида ва нақд пулда олишимизга ёрдам беришимизни илтимос қиламиз.

О.КУРБОНОВ,  
А.АБДУРАШИДОВ,  
М.ОҚБОВ.  
Андижон вилояти

## ИШНИНГ РИВОЖИ УЧУН...

Бундан икки йил муқаддам не-не қийинчиликлар билан «Шавкатбек» фермер хўжалигини ташкил қилдик. Ассосан деҳқончилик билан шуғулланамиз. Давлат буюртмасини ортиғи билан бажариб келмақдамиз. Ўтган йили нахтандан 29 центнер ўрнига 41 центнер ҳосил етиштирдик. Ишимизни янада ривожлантириш учун фермер хўжалигини кенгайтирмоқчи эдик, турли тўсиқларга учрадик. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Ниҳоят, 2002 йил 11 январь кунини Бош прокурор номига хат йўллаган эдим. Шундан сўнг Тошкент вилояти прокуратураси ходимлари, хусусан, Мироллос Шухрат ва Субанов Анварнинг ёрдами билан фермер хўжалигимиз кенгайтиди. Далаларда ишларимизни ҳам бошлаб юбордик. Прокуратура ходимларига чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Доимо соғ-омон бўлишим.

Н.ЖАЛОЛОВА,  
Тошкент вилояти Оққўрқон туманидаги  
«Шавкатбек» фермер хўжалиги раҳбари

## ИШ ҲАҚҚИМИ ОЛДИМ

Мен Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани «Қоришғали» ширкат хўжалигида истиқомат қиламан. Ойлашиман, уч нафар фарзандим бор. Ўзим туман «Агрохимсервис» қишлоқ корхонасида лаборант бўлиб ишлайман.

Корхонадан бир йиллик иш ҳақимни оломай келар эдим.

Нима қилишни билмай турсам, одамлар «прокуратурага борсангиз муаммонгизни адолатли ҳал қилиб беришади», дейишди. Шунга кўра Қораўзақ туман прокурори Маҳат ака Матқаримов хузурига бордим. У киши мени очик чехра билан кутиб олди ва мурожаатимни тезда ҳал қилиб, «Агрохимсервис» корхонасидан 35408 сўм иш ҳақимни олиб берди.

Прокурорга оиламиз номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.

Келажакда фарзандларим туман прокурорига ўхшаган адолатли инсон бўлишини хоҳлар эдим.

Шайдо УЗОҚБОВА,  
Қораўзақ тумани

## ● ТАШАББУС

# ЎҚУВЧИЛАР МИННАТДОР

Андижон вилояти прокурори шаҳардаги 43-мактабга таълим-тарбия ишлари билан танишиш мақсадида ташриф буюрганлида, ўқув даргоҳидаги ночор аҳволни кўриб, ушбу мактабга ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапирган эди.

Шундан сўнг шаҳар халқ таълими бўлими, «Ризқ» ва «Агроқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари мактабни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига киришди. Таъмирлашдан кейин мактаб таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Ўтган чоршанба кунини ушбу мактабда «Наврўз» байрами бўлиб ўтди. Мактаб директори З.Солиев хайрли ишга бош бўлган вилоят ва шаҳар прокуратураларига, оталиқ ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига ўқитувчилар жамоаси

номидан миннатдорчилик изхор этди.

Шаҳар прокуратураси ўқувчилар, вояга етмаганлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб, амалий ишларини давом эттирмоқда. Ана шундай ишлардан бири «Шерзод» спорт клубига шаҳардаги олий, ўрта махсус билим юрлари ва мактаблар спорт залларининг бепул ижарага берилиши бўлди.

Демак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўчасига кириб кетмасликларига маълум маънода кафолат бериш мумкин.

И.ИБРОҲИМОВ,  
«Хуқуқ» мухбири

## ● МУШОҲАДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг республикамиз ҳаётининг ҳар бир қадами мавжуд тузумни ислоҳ қилиши, янгилаш билан боғлиқ бўлиб қолди. Менимча, биринчи ва асосий ислохот – бу инсонлар онгининг ислохоти бўлиши, яъни, улар онгига жамият ҳаётидаги ислохотларнинг аҳамиятини тўлиқ сингдириш зарур. Бунда биринчи навбатда етишиб чиқаётган ҳар бир кадр ислохотларга қандай ҳисса қўша олишини яхши билишининг ўзи жуда катта ютук бўлиши лозим.

Таълим ёшлиқдан, болаликдан бошланади. Мана бир мисол: Қадим замонларда бир донишманднинг олдига ёш болани олиб келиб уни неча ёшдан ва қай усуллар билан тарбиялаш керак, таълимни қачон бошлаш лозим, деб сўрашибди. Аллома улардан боланинг ёшини сўрабди, 3 ёш деб жавоб беришган: «Аттанг, кеч қолибсан, бола тарбияси бир ҳафталигидаёқ бошланади, шу каби таълими ҳам» деган экан. Кўриб турганимиздек, таълимда оиланинг ҳам ўрни беқиёс. Агар оила тарбия борасида мақсадли иш олиб борса, бола келажақда ўзининг жамиятдаги ўрнини топиб, давлат ривожига сезиларли ҳисса қўшиши аниқ.

Шундай қилиб, мамлакатимизда таълим соҳасига алоҳида эътибор берилиб, ислохотлар аввало ҳуқуқ соҳасидан, яъни тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишдан бошланди. Энг аввало, қонунларнинг олди, йўлбошчиси ва дастуруламали бўлмиш Конституцияга тўхтаб ўтсак. Хўш, миллий таълим, ўқиш масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нима дейилган?

Конституциямизнинг 41-моддасида шундай дейилган: «**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.**

**Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».**

Бу дегани давлат ўз зиммасидаги, халқ олдидаги мажбуриятларини оддий сўзлар билан соқит қилиб қўйган, дегани эмас. Биз биламизки, Конституциядаги сўзлар тошга ўйиб қўйилган ҳарфлар каби бузилмасдир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топган давлат сифатида ҳар бир кишининг билими бўлиши тарафдори. Бу жараённинг қонуний ва сифатли кечишини давлат ўзининг тегишли органлари орқали назорат қилади.

Конституциямизнинг 64-моддаси, 2-қисмида шундай дейилган. «**Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга**

кадрлар тизимини ислоҳ қилиши, уларнинг янги ижтимоий давлат тизимига мослашиши учун кулай шароитлар яратиб беришдан иборат.

Иккинчи босқич, 2001-2005 йилларни ўз ичига олади ва Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга

Қолаверса, ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъий назар, ҳеч бўлмаганда, ўрта маълумотга эга бўлиши керак. Шунинг учун таълим давлат сиёсати таркибига киритилган, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимини олиш ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги Қонунининг 3-моддасига кўра

Тасаввур қилинг-а, ўзбек мактабларида хорижий мамлакат фуқароси фарзандининг таълим олишини. Бу, албатта, бизнинг таълим тизимимизга эътибор ва катта ишончдан дарақдир.

Ўрта ва ўрта махсус таълим Ўзбекистон Республикасида мажбурийдир ва давлат томонидан бепул таъминланади.

Бу йўналиш икки хил бўлади:

1. Ўрта махсус таълим ёки академик лицей.

2. Касб-хунар таълими йўналиши ёки касб-хунар коллежи.

Юқоридаги таълим муассасаларининг иккаласида ҳам бир хил вақтда ўқитилади ва «кучи» бир хил. Уларни битиргач, ҳаммага бир хилда ўрта махсус таълим соҳибига аттестати берилади. Уларнинг асосий фарқи шундаки, академик лицей битирувчилари олий ўқув юртига ўзига хос йўналишдаги, тизимли билимлар билан чиқадилар. Ҳар қандай ўрта махсус таълим эгаси тенг ҳуқуқли асосларда олий ўқув юртига тестлар орқали қабул қилинадилар.

Коллежларда эса лицейлардан фарқли ўларок, билим бериш амалиёт билан бирга олиб борилади. Уни битиргач, нафақат олий ўқув юртига ҳужжатлар топшириш, балки муайян мутахассисликдаги ишга кириш ҳам мумкин.

Билимли, истеъдодли ўқувчи ва талабалар давлат томонидан алоҳида рағбатлантирилади. Бунга қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Айни пайтдаги воқеликлар бош-қа давлатларнинг ҳам Ўзбекистондаги бундай ишларга безътибор эмаслигини кўрсатади. Масалан, яқинда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Ўзбекистон мактаблари ўқув тизимининг тартиблилиги борасидаги биринчилик, Япония томонидан берилган 667 минг АҚШ долларидан кўпроқ грант тўловини кўрсаташ мумкин. Япониянинг Нагоя университети ва Тошкент Давлат юридик институти орасидаги ўқув ҳамкорлиги яқинда бошланган бўлса-да, тез орада қизгин паллага кириб улгурди. Айни пайтда, институтимиз талабаларидан 3 нафари Нагояда таълим олмақда.

Халқимизда «Бир болага учун етти қўшни ота-она», деган нақл бор. Биз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган келажақ авлод таълим-тарбиясини бутун халқ ўз бўйнига олиб, бирдамлик билан киришсагина, Ўзбекистоннинг келажаги ҳақиқатан ҳам порлоқ бўлажак.

Энг муҳими шундаки, Ватан остонидан бошланганидек, таълим-тарбия ҳам оиладан бошланади.

Алишер ҲАЗРАТКУЛОВ

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

## ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

Юқорида кўрганимиздек, Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия ишларига

нафақат давлат, балки жамият ҳам масъул.

1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг вазифаси таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган давлатлар даражасида,

юқсак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Бунда албатта, тизимнинг ўзимизники бўлишига ва том маънодаги миллий кадрлар системасини вужудга келтиришга асосий эътиборни қаратиш керак, деб ўйлайман. Чунки ҳар қандай инсон ҳам албатта ўз миллатининг, ўз халқининг равақини хошлайди. Юқоридаги Қонунга кўра, таълим дастури босқичма-босқич амалга оширилади.

Биринчи босқич, 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, мавжуд

аниқликлар киритишдан иборат.

Учинчи босқич, 2005 йил ва ундан кейинги йиллардан иборат. Унда шу вақтгача қилинган ишлар таҳлил этилиб,

давлат сиёсатининг асосий принциплари куйидагилардан иборатдир:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик

характерда эканлиги;

2. Таълимнинг узлуksизлиги ва изчиллиги;

3. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрлиги;

5. Таълим тизимининг дунёвий характердалиги;

6. Давлат таълим стандартларида таълим

олиш ҳамма учун очиллиги;

7. Таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

8. Билимдонлиқни ва истеъдодни рағбатлантириш;

9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.

Таълимнинг инсонпарвар ва демократик эканлиги жамият ҳар қандай аъзосининг тенглигидан келиб чиққан. Яъни жинси, irqи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги ўрнидан қатъий назар, ўқувчилар бир хил ва ягона таълим стандартлари асосида ўқитилади.



**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КўРА  
БИЛИМЛИ, КУЧЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА,  
БАХТЛИ БўЛИШЛАРИ ШАРТ.**

*Ислom KAPИMOB*

уларни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу даврга келиб бутун таълим тизими ахборотлаштиришнинг энг юқори технологияси билан таъминланиши режалаштирилган.

Шундай бир савол келиб чиқади: нега Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган, бу ишларни ҳам хусусий секторга қўйиб бериш осонроқ ва енгилроқ кечмайди-ми? Йўқ, таълим – бу давлатимиз келажаги, истиқболи, бор кучини ўзда ифода этадиган ишлаб чиқариш объектига эга.

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Саъдин аканинг суяги далада, меҳнатда котган. Йилнинг келишини, деҳқончиликни ипидан игнасигача билади. Меҳнат фаолиятини 50-йилларнинг охирида далада кўш кўшишу омон тортиш, эгат оралаб сув қўйишдан бошлаган Саъдин ака 1960 йилда Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида хисобчи бўлди. Кейинроқ шу хўжаликка бош иктисодчи этиб тайинланди. Кейин қарийб 21 йил, яъни 2000 йилга қадар шу хўжалик бошқаруви раиси вазифасида меҳнат қилди.

— Ҳа энди, озми-кўпми, қўлимиздан келганча меҳнат қилдик, — дея сўхбатни бошлади Саъдин ака. — Халқ учун, хўжалик обрўси учун югурганмиз. Белгиланган режа-топширларни бажариш учун жонимизни ҳам, вақтимизни ҳам аямаганмиз.

Хўжалик ўша даврларда нафақат вилоятда, балки республикада ҳам анча танилиб қолган эди. Чорвачилик бўйича мамлакат миқёсидаги қўлбал семинарлар айнан шу хўжаликда ўтказилган. Нуфузли кўргазмаларда голиб бўлганлиги ўша пайтларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган. Хўжаликда 780 ўринли замонавий мактаб биноси, 280 ўринли болалар богчаси қурилишида, хўжаликнинг ҳар бир хонадонига табиий газ кириб боришида озми-кўпми меҳнатим сингган.

21 йиллик раҳбарлик фаолияти даврида Саъдин ака «раис бобо» деган ном орттирди. Хозир ҳам кўпчилик у кишига шундай мурожаат қилади. Биз

## ТИНИБ - ТИНЧИМАГАН РАИС

билган раис бобо икки йил муқаддам ҳурмат билан нафақага кузатилди. Лекин ҳамқишлоқлари ва раҳбарият у кишини осонгина қўйиб юбормади. Хўжаликдаги «Зарбдор» маҳалласига раис этиб сайлашди.

— Нимаям дердим, ишонч билдиришибди, оқлашга ҳаракат қилияман, — сўхбатни давом эттирди раис бобо. — Маҳалламизга қарашли 3 та қишлоқ бор, 2320 нафар аҳоли истикомат қилади. Яширмайман, ишсизлар ҳам рўйхатга олинган. Лекин бу муаммони маҳалладошлар билан келишган ҳолда ҳал этиб борапмиз.

Бугун олтмиш беш ёшга қадам қўётган Саъдин Расулов юртбошимизнинг кексаларга кўрсатаётган гамхўрликлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш маҳалла оқсоқолларига ҳам катта масъулият юклашини айтиб ўтди.

Раис бобо ҳали бардам,

кўпчилик ёшлар ботинолмайди-ган ишларни амалга оширишга қуввати етди. Бу ишда маҳалладошлари, қолаверса етти нафар фарзанди ҳам қараб турмайди. Айни пайтда улардан бири ота изидан бориб хўжаликни бошқараётган бўлса, яна бири туман фермер хўжаликлари уюшмасига етакчилик қилмоқда, яна бири фермер, қўйингли, ҳаммаси ўз йўлини топишган.

Улардан иш қўчиб қутуладими, раис бобо шунга жуда яхши билади-да.

Исроил ХОЛБОЕВ,  
Навоий вилояти

● ҲАҚИКАТ ҚАРОР ТОПДИ

# «ДАЪВОИ - ДОСТОН»

Мирзабод туманидаги «Оқолтин» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси С.Исроилов, бош ҳисобчи З.Усмоновлар устидан тушган шикоят вилоят хўжалик судида қўрилиб, иш фермер Б.Анорқулов фойдасига ҳал этилди. Шундан кейин эса зафардан руҳланган фермер орқа-ўнгини ўйламай Исроилов ва Усмоновга тўхмат қилди.

Қандай юз берди бу ишлар? Аслида ким ҳақу ким ноҳақ? Энди буёғини эшитинг.

1999 йил. Бахтиёр Анорқулов март ойида ташкил этилган «Гулистон» фермер хўжалигига раҳбарлик қила бошлади. Унга 109 гектар сугориладиган ер ажратиб берилди. Ўша йили баҳорда ер хўжалик ҳисобидан экишга тайёрланиб, чигит экиб берилди. Лекин фермер Анорқулов чигитни ундириб олиш, гўзани парварниш қилиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйди. 49 гектар ер эса чигит қандай экилган бўлса, шу ҳолда қўлиб кетаверди. Оқибатда бу 49 гектар ер «Оқолтин» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига қайтариб берилди.

2000 йил бошланди. Б.Анорқулов ўзида қолган 60 гектар ерга яқоб суви бериши лозим эди. Бу иш бажарилмади, экилган чигит униб чиқмади. Сабаби, шўр кўтарилиб кетган эди. Хўжалик раҳбарлари ернинг умри бекор ўтмасин дейишиб, 30 гектар ерга қайта чигит экдилар. Аммо иш шу билан тўхтади. Гапнинг қисқаси, «Гулистон» фермер хўжалиги 145 тонна пахта бериши лозим бўлган 60 гектар ердан бир мисқол ҳам ҳосил топширмади. 2001 йил ҳосили режалаштирилатганида фермер хўжалигининг 60 гектар ерига галла экиш маъқул деб топилди. 2000 йил кузида бу ер хўжалик томонидан ҳайдалиб, икки марта текисланиб бугдой экилди. Бугдой униб чиқди. Лекин Б.Анорқулов умуман далага келмай қўйди. Шу сабабли «Оқолтин» ДФХБ бошқаруви туман ҳокимлигига хат ёзди. Б.Анорқулов фермерликка нолойиқ деган фикрни билдирди. Мирзабод тумани ҳокими 2001 йил 26 февралда тумандаги бир неча фермер хўжалиқ қатори «Гулистон»нинг фаолиятини ҳам тўхта-тиш, ерни ДФХБга қайтариш ҳақида қарор чикарди.

Б.Анорқулов бу қарордан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Хўжалик суди туман ҳокимнинг қарорини ноқонуний деб топиб, адлия бошқармасининг даъвосини қаноатландирди.

2001 йил. Фалла ҳосили Б.Анорқуловнинг иштирокисиз ДФХБ раҳбарлари сас-й-ҳаракатлари билан тўла бўлмаса ҳам ўриб-йиғиб олиниб, давлатга 105 тонна

бугдой топширилди. Сабаби шуки, фермер галла тақдири ҳақида умуман ўйламади, далаларни ўт босиб кетди. Оқибатда 21 гектар ернинг бугдойи қалин шўра ичида қилиб кетиб, уни ўриб олишнинг иложи бўлмади. Ана шунинг ҳисобига Б.Анорқулов 2001 йил 29 августда вилоят адлия бошқармасига ариза ёзиб, ДФХБ раиси И.Исроилов ва бош ҳисобчи З.Усмоновлар унинг фермер хўжалигига тегишли 87 тонна бугдойни талон-торож қилгани, шу бугдой эвазига раис ва бош ҳисобчидан «Гулистон» фермер хўжалиги фойдасига 8 миллион 113 минг сўм пул ундириб беришни сўради. Бунинг устига у 1 миллион сўм маънавий зарар кўрганлиги маълум қилиб, буни ҳам ундиришда ёрдам кўрсатишларини илтимос қилди. Б.Анорқуловнинг аризаси вилоят фуқаролик судида кўриладиган бўлди. Шу ўринда ДФХБ ва фермер хўжалиги раҳбарлари ўртасидаги муносабатга адолат юзасидан аниқлик киритмоқчимиз. Бахтиёр Анорқулов биринчи йиллик (1999 йил) ҳали фермерликка тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. 2000 йилда эса 60 гектар ердан умуман ҳосил олмади «Оқолтин» ДФХБни кўп миқдорда чқимдор қилди. 2001 йилда ҳам худди шундай аҳволга йўл қўйди. Энди савол туғилади: ери ДФХБ томонидан ҳайдалиб, текисланиб, экиб берилса-да, фермернинг ўзи ёз буйи далада қорасини кўрсатмасдан галла йиғиб олингандан кейин ҳисобига 105 тонна бугдой ўриб-янчиб топширган кишиларга тўхмат қилиб, улардан 9 миллион сўмдан ортқ жарима тўлашни талаб қилса, бу ноинсофданими?

Хўжаликда меҳнат қилган деҳқонлар ҳам Анорқуловнинг айби билан ёз буйи иш ҳақи олмадилар. Демак, фермер уларни ҳам алдади, уларнинг моддий ва маънавий зарар кўришларига сабабчи бўлди. Аслида Б.Анорқуловни судга беришга улар ҳақли эди. Йўқ, аксинча бўлиб чиқди. ДФХБ раҳбарлари ҳам ортқча меҳнат қилдилар, ҳам тўхматга қолдилар.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди мазкур ишни қўриб чиқиб, Бахтиёр Анорқуловнинг даъвосини асосиз деб топди. Юзхотир, одамгаринлик юзасидан фермерга ёрдам қилишиб, ўзлари тўхматга қолган С.Исроилов ва З.Усмоновлар 8 миллион 113 минг сўм моддий ҳамда бир миллион сўм «маънавий зарар»ни тўлашдан халос бўлдилар. Бу воқеа бошқаларга сабоқ бўлишини истаган ҳолда мақолага нўқта қўйдик.

Алижон ОРТИКОВ,  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Сирдарё вилояти судининг судьяси  
Саминжон СУЛТОНОВ,  
журналист

# «ХУКУК» ИЙ маслаҳатхона

САВОЛЛАРГА ХУҚУҚШУНОС А. ХАЛИЛОВ ЖАВОБ БЕРДИ

*Пенсия тайинлашда умуман ҳеч қандай ҳужжат бўлмаса, меҳнат стажига қандай тасдиқланади?*

Ш.ЗОКИРОВА,  
Тошкент вилояти,  
Занғота тумани

Одатда, пенсия билан боғлиқ масалалар, меҳнат стажига меҳнат дафтрасидаги ёзувлар билан ёки ходим ишлаган корхона, муассаса, ташкилот томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар, шунингдек, архив ёхуд пенсия жамғармаларининг маълумотлари асосида ҳал этилади.

Агар ҳужжатлар умуман бўлмаса ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офат, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли уларни олиш имкони бўлмаса, меҳнат стажига, шу жумладан, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалиги ёки бир тизимда ариза берувчи билан бирга ишлаган ва уни билган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Умумий меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишнинг характери гувоҳларнинг кўрсатмаси билан белгиланмайди.

Деҳқон (фермер) хўжаликларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда 1998 йил 1 июлгача, шунингдек деҳқон хўжаликларига, алоҳида фуқароларнинг уйларида ишланган даврлар пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда стажга қўшилган даврлар гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланмайди. (Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.1994 йилги 249-сон қарорига 12-илова).

*Ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ходим иш берувчини (директор) судга берса, бекор қилган вақт учун иш ҳақини директор ўзининг иш ҳақи ҳисобидан тўлайдими ёки корхона маблағиданми?*

Зокир МАҲМУДОВ,  
Андижон шаҳри

Агар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш суд томонидан ғайриқонуний деб топилса, суд қонунни очикдан-очик бузган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ушбу зарар миқдорини тўлаш мансабдор шахсининг ўч оилак маошигача бўлган доирада белгиланади.

**Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.**

**Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.**

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси)

*Озодликдан маҳрум этилган аёл боласининг тақдири нима бўлади? Унинг онаси озодликка чиққунига қадар бола кимнинг қарамоғида бўлади?*

Зарифа ШАРИПОВА,  
Тошкент вилояти,  
Бўстонлик тумани

Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар үйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаш ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Бундай болалар уч ёшга тўлгандан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманнинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

(Жиноят-ижроия кодекси 132-модда)

*Мен шу йилнинг 20 январиде туман ижтимоий таъминот бўлимига ногиронлигим туфайли пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган эдим. Бўлим ходимлари менга меҳнат стажимни тўлиқ тасдиқловчи ҳужжат олиб келишим лозимлигини тушутиришди. Меҳнат дафтрасида йўқолиб қолган сабабли уни архив маълумотлари билан қайта тақлашга тўғри келди. Бунинг учун эса роса бир ой вақт кетди. Мени қизиқтираётгани — асар сўралган ҳужжатларни бир ойдан кейин тайёрлаб берсам, менга пенсия қачондан бошлаб тайинланади?*

Л.ОМОНОВ,  
Фарғона вилояти

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда ижтимоий таъминот бўлимининг бу ҳақдаги хабарнома олинган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай тақдим этилса, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундан бошлаб пенсия тайинланади. (=Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунининг 46-моддаси.)

Айни ёз чилласи. Тирик жонзод иссиқдан ўзини соя-салқинга урадиган пайт. Каналда мириқиб чўмлаётган болалар дастлаб оқариб оқиб келаётган нарсага унча эътибор беришмади. Унинг инсон мурдаси эканлиги билинганча, ҳамма кўрқувдан ўзини қирғоққа урди... Мурда топилган жойга етиб келган ИИБ ходимлари жиноят содир этилганлигини тахмин қилишди. Биринчи галда мурданинг шахсини аниқлаш лозим эди.

Оқолтин туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмаси мудир Бахтиёр Рўзиев воқеа жойига етиб келганда мурда аллақачон сувдан чиқарилиб, синчиклаб текширилаётган экан. Жиноятнинг очирилишида суд-тиббий экспертизаси хулосасининг аҳамияти катта бўлади. Лекин хулоса улар кутган натижани бермади. Экспертнинг тергов гуруҳига такдим этган хулосасига кўра «номаълум шахснинг ўлими сабабини мурда чириб кетганлиги туфайли аниқлаш имконияти йўқ ва жасада тан жароҳатлари мавжуд эмас» эди. Тергов гуруҳининг асосий илинжи ҳам чиппақка чиқди. Энди охириги йўл — фуқаролардан тушадиган ариза ва сўровномаларни текшириб кўриш қолганди.

Лекин кунлар, ойлар ўтса-да, фуқаролардан «акам йўқолди», «ўғлим келмаяпти» қабилидаги ариза келиб тушмади.

**2000 йил** май ойида Янгиер шаҳрида бир новвойхона ишга тушди. Новвойхона асли шу ерлик бўлган, бундан икки йил олдин Самарқандга кўчиб кетган Элёр исмли йигит самарқандлик икки ўртоғи билан очган эди. Элёрнинг бувииси ва тоғалари новвойхонадан унча узоқ бўлмаган жойда истиқомат қилишарди. Ҳар ҳолда бувииси қизининг ёлғиз ўғли деб, ҳол-аҳвол сўраб турар, лекин бирон жойда ишламайдиган тоғаси Давлат Элёрдан бутунлай бошқа нарсани сўрарди.

Бир кун тоға-жиян ўртасида шундай сўхбат бўлиб ўтди:

— Элёр, озрок пул бериб тур.  
— Тоға, пулим йўқ.  
— Нега қизганасан, ишлаяпсан-ку, озрок берсанг ўласанми?  
— Пулга маҳсулот олиб қуювдик.  
— Ҳов, берсанг бер, бўлмас ҳозир...

Давлат шундай деб, жиянининг буйнидан қисиб азоблай бошлади. Ноилож қолган Элёр бор пулини чиқариб беришга мажбур бўлди. Бу ҳолат кундан-кунга авж ола бошлади. Пул ва ароқдан бошқа нарсани билмайдиган Давлат хатто унга бузуқ аёлларни топиб келишни буюрадиган бўлди.

Уша кун ҳам одатдагидек соат 12 ларга яқин икки ака-ука — Мухаммад ва Давлат Элёрнинг уйига ташриф буюришди.

— Элёр, тоғанларга бир овқат қилиб бермайсанми?  
— Уйда озик-овқат йўқ эди.  
— Хе, қурумсок, мана буни олиб бозорчадан қолбаса, тухум, ароқ, нон олиб кел, — Давлат шундай деб Элёрнинг олдига бир талай пул ташлади. Жиян айтилган нарсаларни олиб келиб, тухум қовуриб тоғаларининг олдига қўйди. Ака-ука ароқни ичиб, тамадди қилиб олишганча, Давлатнинг кўнгли яна бошқа нарсаларни ҳам тусай бошлади. Лекин Элёр у айтган нарсани муҳайё қилишдан бош тортди. Шундан сўнг

## ● БИР ТЕРГОВ ТАРИХИ



# ЖАҲОЛАТНИНГ ЕТИЛИШИ

Давлат акаси билан чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай бир аёлни бошлаб келди. У Элёрга таниш эди. Сўхбатлари қовушмади. Гап шундаки, Давлат «сени Элёр қақираяпти» деб, аёлни бу ерга бошлаб келган ва кайф-сафо қилишни режалаштирганди. Лекин Элёр бунга қарши чиқди. Шунда ширакайф ҳолатдаги Давлат Элёрни уриб, аёлга тегажқоқлик қила бошлади. Аёл қаршилик қилиб, бақирди. Аммо Давлат аёлнинг кўксига уриб, ичкарига тортиқлади. Шунда аёлнинг қўйлаги энги йиртилиб кетди. Хўрланишларга чидай олмаган аёл:

— Бу қилмишларинг учун мен сени барибир қаматаман, — деди алам билан.

Ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган Давлат биргина шу сўздан ҳайиқди. Аёлга ён бериб, ҳеч қаерга арз қилмаслигини сўрай бошлади. Шу пайт уйга Мухаммад кириб келди. Элёр эса аёлга кийим бериб кузатиб қўйди. Бу вақтда Давлат уйкуга кетган эди.

Орадан кўп ўтмай Мухаммад кетиш тараддудига тушиб қолди. Давлатнинг нагмаларидан хавотирланган Элёр Мухаммаддан укасини олиб кетишни илтимос қилди.

— Мен нима қила олардим, биласан-ку у тентакни.

— Унда нима қиламиз?  
— Менга деса уриб ўлдиришлар.

Биргина шу гап замирида ака ва ука орасидаги муносабатни, меҳр-оқибатнинг нечоғли эканини аққол сезиш мумкин эди. Зеро, халқимизда «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», деган ҳикмат бор. Мухаммад билмасдики, шу сўзлари билан ўз укасига ўзи ҳукм чиқариб қўйганлигини.

Давлат уйкудан турганча, шишада қолган ароқни ичди-да, яна кўчага чиқиб кетди. Лекин тезда қайтиб келиб, кайф-сафони давом эттириш истагини билдирди. У Элёрга ва унинг ўртоғи Шерзодга «ютқазган ароқ олиб келади» шартли билан «дурак» ўйнашни таклиф қилди. Ёшлиқдан тоғасининг даққисини еб ўсган Элёр аввалига қўнмай, Давлатнинг дағдағасидан кейин ноилож ўйнашга мажбур бўлди. Биринчи ўйинда Элёр ютқазиб қўйди ва шартга мувофиқ

бозорчадан битта ароқ олиб келди. Уччаласи ароқни «майдалаб» яна уйинга берилиб кетиши. Бу сафар Давлат ютқазди-ю, лекин ароқ олиб келишдан бош тортди. Ичкилик таъсирида бироз дадиллашган Элёр тоғасига эътироз билдирди.

— Тоға, ютқазган ароқ олиб келади, деб келишувдик-ку, сиз ҳам ваъдада туринг-да.

— Ҳой, сен менга ақл ўргатма. Керак бўлса ўзинг бориб келасан.

— Мен бормайман, ўзингиз борасиз.

— Бормайсанми?  
Давлат шундай деб Элёрнинг буйини қиса бошлади. Тоға-жияннинг жанжалига бефарқ қараб туролмаган Шерзод уларни ажратиб қўйиш учун Давлатнинг қўлидан торта бошлади.

Давлат эса Элёрни қўйиб Шерзодга ёпишиб кетди. Уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, ура кетди. Тоғасининг Шерзод билан ёқа бўғишаётганлигини кўрган Элёрнинг кўзи беихтиёр стол остида ётган болга қадалди. Барча ташвишлардан фақат шу болгагина халос этати, деган ўйда уни қўлига олиб, тоғаси томон юра бошлади. Кейин тоғасининг бошига бор кучи билан урди. Шу пайт суякнинг қисирлаб синиши ва шунга ҳамоҳанг қаттиқ чинқириб хонани ларзага солди.

Зарба таъсиридан Давлат полга йиқилди ва оғзидан қон отилиб кетди. Кўрқувдан кўзлари қақчайиб, ранги доқадек оқариб кетган Элёр тоғасининг жон талвасасида тигирчилаётганини кўриб, «тоғам туриб ҳозир мени уради», деган ўйда унинг тўғри келган жойига тепа бошлади. «Мана, мана, мана...» У Шерзоднинг қўлидан тортишларига ҳам парво қилмасди.

— Бўлди энди, ўлдириб қўйдинг-ку.

— Нима? Ўлдириб?..

Элёр шундан кейингина нима иш қилиб қўйганлигини англаб етди. Маълум фурсат қараб туриб, тоғасининг қимирламаганига ишонч ҳосил қилганча, аста-секин у томон юра бошлади. Бир умр даққи еб, кўрқиб яшаган Элёр ҳозирги дамда унинг жонсиз танасидан ҳам ҳайиқарди. Аста энгашиб, тоғасининг нафас олиш-олмаслигини текшириб кўрди. Кейин тезда

Шерзоднинг олдига қайтди.

— Ҳа, тирикми?

— Шерзод, тоғамни ўлдириб қўйибман-ку...

— Энди нима қиламиз, Элёр?

— Бўлар иш бўлди. Сен қўшчиларни кўриб туриб, кечаси қақирганимда чиқасан. Уни каналга ташлаб келаемиз...

— **Бошлиқларинг** қайси хонада ўтиради? — бир кампир шундай деб туман ИИБда биринчи учраган милиционерга мурожаат қилди.

— Бошлиқни нима қиласиз?

— Унга ариза ёзиб келгандим, — у шундай деб қўлидаги қоғозни кўрсатди.

Милиционер бирон-бир шикоят билан келганлардан бўлса керак, деган ўйда унга бошлиқнинг эшигини кўрсатиб қўйди.

Қискагина салом-алиқдан сўнг бошлиқ муддаога ўтди.

— Ҳўш, хизмат, онахон?

— Мен қоғозга ёзиб келгандим, ҳаммаси шунинг

ичида ёзилган, — кампир қўлидаги қоғозни унга узатди. Бошлиқ бир муддат хатга кўз тикиб, кейин таажжуб билан кампирга юзланди.

— Ўғлингизнинг уйга келмаётганига қанча бўлди?

— Тўрт... беш ойлари бўлиб қолди.

— Нега шунча вақт ичида келмай, энди мурожаат қилаяпсиз?

Кампир бу саволни кутмаган эди. Шунинг учун бироз ҳаяжонланиб қолди.

— Аввал ҳам бир-икки ой йўқ бўлиб кетиб, қаерлардадир ишлаб қайтарди. Бу сафар ҳам шундай юргандир, деб ўйлагандим. Кейин ақинда кизим келганди. Унинг айтишича... ўғлим энди йўқ эмаш.

— Очқироқ гапиринг, қизингизнинг бу ерда нима дахли бор? Кейин, агар бу гап рост бўлса, кимдан гумон қиласиз?

— Элёрдан.

— Ким у Элёр?

— Қизимнинг ўғли, неварам.


\*\*\*  
**Ниҳоятсига** етмаган тергов иши яна жонланиб кетди. Барча далиллар, кўрсатмалар ўрганилиб, таҳлил қилина бошланди. Гумон қилинувчи сифатида маҳкамага олиб келиниб сўроқ қилинганда, Элёр Латипов ҳаммасини айтиб берди. Биргалашиб карта ўйнаганликларини, ичишганлигини, жанжал чиқиб тоғасини болга билан урганлигини, оёғи билан тепганлигини, унинг ўлганлигини билиб, кечаси ўртоғининг ёрдамида каналга ташлаб келганлигини. Жиноят иши деярли очилганди. Фақат бир масалага ойдинлик киритиш мақсадида бундан беш ой олдин каналдан топилган мурданинг қабрини очиб, қайта-экспертизадан ўтказиш учун махсус гуруҳ бириктирилди.

Судга оид экспертизанинг хулосаси Б.Рўзиевнинг берган хулосадан тубдан фарқ қиларди. Унда Д.Ўринбоевнинг юқори жағ суяги ва 12 та қовурғаси синганлиги, ўпка плевро пардаси йиртилганлиги, бу жароҳатларнинг ҳаммаси темир болга билан уриш, оёқ-нотуғри натижасида келиб чиққанлиги айтилди. Суд ниҳоятсига етди. Тоғасининг қотилига айланган жиян ҳам, ўз касбига масъулятсиз ёндашиб, нотўғри хулоса берган экспертиза ходими ҳам, ЖКнинг тегишли моддалари бўйича айбланиб, жазоларини олишди.

Мухтор БОБОЁРОВ,  
Янгиер шаҳар прокурори.  
Фозил МАМАШАРИПОВ,  
«Хуқуқ» мухбири

## «ОЗОДЛИК» ЧЕЧЕН ТИЛИДА

Бугун «Озодлик» радиостанциясининг чечен тилидаги эшиттиришлари эфирга узатилади. Дастлаб радиостанция чечен, авар, черкас ва рус тилларидаги янгиликлар трансляциясини 28 февралдан бошлаб йўлга қўйишни мўлжаллаганди. Аммо мазкур режа Вашингтоннинг ушбу масалалага бўлган қизиқиши тўғрисида тўхтатиб қўйилганди. Эслатиб ўтиш жоизки, «Озодлик» радиостанцияси АҚШ Конгресси томонидан маблағ билан таъминланади.



Ишончли манбаларнинг тарқатган хабарларига кўра, Россия пойтахти Москванинг Ярославск вокзали яқинида йўловчи поездининг навбатчи тепловозга тўқнашиб кетиши оқибатида 40 нафар киши жабрланган.

Пойтахт ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг таъкиллашича, ҳалокат оқибатида жабрланганларнинг 20 нафари шифохонага ётқизилган. Улар орасида икки нафар бола ҳам бор. Жабрланганлар сони кўрсатилган миқдордан кўп бўлиши мумкинлиги ҳусусидаги тахмин ҳам инкор этилмаган.

## КОНФЕРЕНЦИЯ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ЯКИН ШАРҚ

Малайзияда ўз ишيني давом эттираётган Ислон мамлакатлари конференциясида замонавий терроризмга қарши курашиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Фаластин-Исроил низолирига ҳам ўзларининг муносабатларини билдириб, фаластинлик жангариларни ҳам, ахудий аскарларини ҳам экстремистлар деб атадилар.

Фаластин вакили эса анжуман иштирокчиларига мурожаат қилиб, кейинги пайтда Исроил ҳарбийлари томонидан фаластинликларга нисбатан зўравонлик ишлатиш кучайиб кетганлиги боис, араб давлатлари уюшмасининг шошилинч кенгашини чақириб, мазкур масалани кўриб чиқишга дэъват этди.

## ҲУКУМАТ МУҲОКАМАСИДА

Яқин кунлар ичида расмий Тбилиси Москвага Грузия худудида жойлашган Россия ҳарбий базалари учун тўланиши лозим бўлган ҳисоб варағини тақдим этади. Айтилган дамо ижара ҳақи масаласини мамлакат ҳукумати муҳокама этмоқда. Грузиялик мустақил экспертларнинг фикрича, Россия ҳарбий базалари учун энг камида 500 млн. АҚШ доллари миқдорида ижара ҳақи тўлаши зарур экан.

## ХИТОЙГА ТАШРИФ КУТИЛМОҚДА

Жорий йилнинг кузида Ҳиндистон бош вазири Амал Бихари Важапанинг ХХРга ташриф буюриши кутилмоқда. Бу ҳақда хабар берган мамлакат ташқи ишлар вазири Жавант Сингх ўзининг ҳам Хитойдаги сафари самарали ўтаётганлигини таъкидлаган. Бош вазирининг Хитойга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

Ўз вақтида Хитой узоқ йиллар давомида Ҳиндистоннинг асосий муҳолифи бўлган Покистонни қўллаб-қувватлаб келди. 1962 йилда эса ҳинд-хитой чегарасида қуролли тўқнашув юз берган ва шундан сўнг икки мамлакат ўртасидаги ҳаво қатновларига барҳам берилган эди. Орадан 40 йил ўтиб, ўтган ҳафтанинг пайшанба кунидан бошлаб ҳаво қатновлари яна йўлга қўйилди.

## ЖИНОЙИЙ ГУРУҲ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ўтган ҳафта Таиланд полицияси томонидан мамлакатга яширин йўл билан катта миқдордаги қурол-яроғларни олиб киришга уринган жиноий гуруҳ қўлга олинди.

Филиппиндаги ороларнинг биридан йўлга чиққан балиқчилар қайғи Тамсун шаҳри яқинидаги денгиз қиргоғида полиция томонидан тўхтатилиб, текширилади. Натижада қайғида йирик миқдордаги ўқ отиш қуроллари ва ҳамда қўл гранаталари борлиги маълум бўлди.

## ИНҚИРОЗНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ...

Дунёдаги энг нуфузли авиакомпаниялардан бири бўлган KLM корпорацияси ўзининг самолётлари паркиннинг янгилигини маълум қилди. Халқаро йўналишларда қатновчи йўловчи ва транспорт самолётлари ўрнини яқин ойлари ичида Boeing, ҳамда Airbus компанияларининг замонавий машиналари эгаллайди. Янги самолётлар хариди учун KLM тахминан 2,5 млрд. долларга яқин маблағ ажратди.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Indian Airlines авиакомпанияси ҳам Airbus корпорациясидан 2,1 млрд. доллар эвазига 43 та самолёт сотиб олиш тарафидан қўллаб-қувватланади.

Шундай қилиб, жаҳон самолётсозлик тизими ўтган йилнинг 11 сентябридан сўнг бошланган иқтисодий инқироздан боқичма-боқич чиқиб бормоқда.



## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Покистон ва АҚШ ҳукуматларининг расмий вакиллари икки давлат ҳамкорлигида Панжоб вилоятида ўтказилган рейд натижасида қўлга олинган қимсаннинг шахси аниқланиши муҳим аҳамият касб этишига умид билдирмоқдалар. Қўлга олинган, маҳбуснинг Абу-Зубайда эканлиги исботланса, бу АҚШнинг халқаро терроризмга қарши курашидаги муҳим муваффақиятларидан бири бўлиши мумкин. Сабаби, «Ал-Қоидда» гуруҳининг барча операциялари га шахсан Абу-Зубайда раҳбарлик қилган экан.

## ФАЛАСТИННИ ҚЎЛЛАБ

Ўтган душанба кунини Франция ташқи ишлар вазири Фаластин мухториятининг Рамаллоҳ ва бошқа шаҳарларида Исроил аскарлари томонидан олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларни қоралашини маълум қилди.

Шунингдек, Франция минтақадаги сиёсий ва гуманитар ҳолатни издан чиқарган ҳарбий ҳаракатларини Исроил тўхтатишига ишонч билдирган.

Апрель ойининг биринчи санасида Греция пойтахти Афинада шаҳар аҳолиси Исроил давлатининг фаластин халқига нисбатан қилаётган зўравонликларини қоралаб, намойишга чиқдилар.

Намойишчиларнинг шаҳар кўчалари бўйлаб юришлари мамлакат парламенти биноси олдида полиция томонидан тўхтатилди.

## ШАХТАДА ПОРТЛАШ

Хитойнинг Хэнан провинциясидаги шахталардан бирида газ тўпланиб қолиши оқибатида кучли портлаш юз берди.

Қутқарувчиларнинг тинимсиз уринишларидан сўнг ҳалокат натижасида қурбон бўлганлардан 22 нафарининг жасади олиб чиқилган. Яна бир неча нафар кончининг эса жасадлари қидирилмоқда.

Хитой матбуотининг маълум қилишича, портлаш 2 минг метр чуқурликда содир бўлган.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, жаҳондаги кўмир қазиб олинадиган энг чуқур шахталар ушбу мамлакатда жойлашган.

## БЕМОР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ

Яқинда Гондурас судида қўрилган ишда Марии Хуареснинг даъвоси қаноатлантирилди ва унга давлат томонидан 740 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўланиши ҳақида қарор чиқарди.

Маълум бўлишича, Хуарес шифохоналардан бирида даволанаётган пайтда қон орқали унинг организмига СПИД вируси ўтган ва бу ишда шифохона маъмуриятининг айби борлиги тасдиқланган.

## ОЛДИНДА «НАША УКРАИНА»

Украина Марказий сайлов комиссиясининг берган хабарига кўра сайловчиларнинг 23,5 фоизи Виктор Ющенко раҳбарлик қилаётган «Наша Украина» блокни ёқлаб овоз берган.

Иккинчи ўрнини эса 20 фоиз овоз билан Коммунистлар партияси банд этган. Учинчи ўринда 12,2 фоиз овоз билан «За единую Украину» партияси бормоқда.

Қолган сиёсий партияларнинг тўплаган овозлари эса уларниқидан анча кам. Сайловнинг яқиний натижалари эса яқин кунлар ичида эълон қилинади.



Покистон президенти Парвез Мушарраф Ҳиндистон ҳукумати раҳбариятини музокара олиб боришга даъват этиб, томонлар ўртасидаги ҳарбий иктилофларга нукта қўйиш масаласини биргаликда кўриб чиқишни таклиф этган. Парвез Мушаррафнинг эътирофи эътибори, Покистон томони ўз худудидаги террорчи гуруҳларга қарши курашиш борасида талай ишларни амалга оширган. Покистон ҳукумати илгари ҳам шундай ташаббус билан расмий Дехлига мурожаат қилган, бироқ Ҳиндистон томони бу тахлит мурожаатлари жиловсиз қолдирмоқда эди.



Польшада «Благо-вест-инфо» диний хабарлар агентлигининг бош муҳаррири Виктор Тарасевич ва унинг укаси Юрий номаълум шахслар томонидан отиб ўлдирилган. Қотиллар уларнинг ёнида бўлган пул ва бошқа қимматли буюмларни ўмариб, В.Тарасевичга тегишли автомашинада воқеа жойидан гойиб бўлишган. Айтилган пайтда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилган.

МУТОЙБА

# ЛАТИФА

Телевизоримиз «ғиқ» этди-ю, кўрсатмай кўйди. Овози ҳам бутунлай эшитилмай қолди. Биз унга тикилганча, нима қилишимизни билмай ўтирдик.

— Нима қилсам экан, — ўйладим мен. — Албатта бўш вақтларимизда яккаю-ягона овуноғимиз бўлган бу телевизорни тузатиш бир неча кунга, эҳтимол бир неча ҳафтага чўзилиши мумкин, бу эса оиламизнинг маданий ҳордик чиқаришига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Нима қилсам экан?

— Биронта латифа айтиб берсанг-чи! — Ўртага чўккан чўқур жимликни биринчи бўлиб бузди хотиним, — ёки юморга тобинг йўқми?

— Мени ким деб ўйлаясан? Мингасини айтиб бераман, — мақтандим мен, — кула-кула ичакларинг узилади. Мана кулоқ солинглар...

— Менга қара, болалар ҳали ухлагани йўқ, улар ҳам эшитишади, — эслатиб кўйди у менга.

— Нима, сен мени оиламиз аъзолари ўртасида бўлар-бўлмас уят латифаларни айтавереди, деб ўйлаясанми? — жаҳлим чикди менинг, — кулоқ солинглар, биттаси автобус бекатида турган экан...

— Қаттиқроқ гапир, — аралашди яна хотиним, — билсан-ку, бувамизнинг кулоғи сал оғирок.

— Латифани эшитасизларми ёки йўқми? — сўрадим мен газаб билан. — Нега газабим доимо бурнингнинг ўчида туради? Мен сени юморни тушунарсан, деб ўйлаб юргандим, — чийиллади хотиним.

Мен ичимда секингина сўкиниб олдим-да, латифани яна бошдан айта бошладим.

— Биттаси автобуснинг тўхташ жойида турган экан...

— Биттаси деганим ким: эркакми ёки аёлми? — сўради қайнонам гапимни бўлиб.

— Биттаси деганим бир эркак киши, агар аёл бўлганда, аёл дер эдим, — тушунтирдим мен унга, — демак, биттаси бир тимсоҳни кўтариб автобусни кутаётган экан. Автобус келиб тўхтагач, тимсоҳ бўғиқ овоз билан бўкирибди: «Бу автобус билан кетмайман, бошқасини кутамиз».

— Буни ҳозиргина айтдинг, жоним, — эслатди менга хотиним.

— Тимсоҳ ҳам бу сўзларни икки марта айтган-да, ахир, — ўзимни оқладим мен, — менга қара, латифани мен айтаяпманми ёки сенми?

— Майли, майли, энди гапингни бўлмайман, кечир.

— Қаерда тўхтаб қолгандим, ҳа, ёдимга тушди. Иккинчи автобус келгач...

— Нима қилсан бизни бунча қийнаб, — гапга аралашди қайнотам, — латифангнинг кулгили жойи қачон келади ўзи?

— Эй, худойим... — отилиб чикди томоғимдан бир овоз ва мен бошимни икки кўлим билан чаңгаллаб олдим. Бир неча дақиқадан сўнг латифани бошқатдан бошладим.

— Иккинчи автобус келиб тўхтагач, тимсоҳ яна бўғиқ овоз билан бўкирибди: «Бу автобус билан кетмайман, бошқасини кутамиз!» Шунда бояги одам гўлдирабди...

— Менга қара, одам ҳам гўлдирайдики? — сўради қайнонам.

— Сўнгги марта сўрайман, латифани эшитасизларми ёки йўқми?

— Ҳи, хи, ҳа, ҳа, — кулиб юборишди болалар, — ҳозиргина сиз тимсоҳ бўкирди, деган эдингиз, энди эса одам бўкирди, деяпсиз.

Мен тишимни тишимга кўйиб, латифани бошидан бошладим. Бир амаллаб охиригача айтиб бўлдим. Ҳеч ким менга ҳалақит бермади. Енгил нафас олиб, атрофимга назар солдим. Кўрайлик-чи, мен айтган латифа қандай таъсир кўрсатибди. Ҳа, мен ўз ниятимни амалга оширган эдим. Оиламизнинг мендан бошқа барча аъзолари ҳар кунгидай ўз ўринларида донг қотиб ухлаб қолган эдилар.

Немис тилидан

Йўлдош ПАРДА таржимаси

Кўл қисми	Онг	Шароит			Сабзавот
		Маҳалл. таом	Соғ бўлинг	Хонадон	
Латвия	Мўйнали ҳайвон				Пакана буйвол
			Пул, Италия	Рақс, ҳаракат	
Сабзавот	Чорва		Тоқат	Табиий минерал	
Илон	Чапак	Шаҳар, АҚШ			
		От гўшти	Чироқ ... Тернер		
Патрисия	Томчи				Санъаткор
			Тасвир	Нота	
	Шаҳар, Ироқ, Роҳиб кийими	Кишан			
				Тўппонча	
Шимолӣ кутб	Қамар	Чарм	Кафе	Нота	
			Ги... Мопассан		
			Сабоқ		
Офис		Бош кийими			
Она					

СПОРТ

## ЁШЛАР НАРКОМАНИЯГА ҚАРШИ

Шу йилнинг 9 март кунини Жиззах шаҳрида «Ўзбекистон ёшлари наркоманияга қарши» шиори остида 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида таъкивандо бўйича республика очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда Республика мизнинг барча вилоятларидан келган спортчилар голиблик учун беллашдилар. Фаллаорол туман прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган ёш таъкивандочилар клуби аъзолари умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни олиб, тўртта бронза медалини кўлга киритишди.

— Бизнинг жамоамизда таъкивандонинг ИТФ йўналиши бўйича мингдан ортик болалар қатнашмоқда. Болаларнинг мунтазам машғулотлар ўтказишда туманимиздаги саннат-қасб-хунар коллежида барча шароитлар етарли. Яқин кунлар ичида туманимизда таъкивандо бўйича «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида катта мусобақа ташкил қилмоқчимиз, — дейди туман прокурори Саидмурод Шерназаров. — Бундай мусобақаларни ташкил қилишдан мақсад, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдир.

Суратда: чемпионатнинг бронза медални соҳиби, тумандаги 44-ўрта мактаб ўқувчиси Фароғат Жуманова.



## ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Абдурауф Фитрат:

Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун (унинг) руҳини тарбиялаш лозим.

...

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

...

Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд хушхалқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади.

...

Одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муҳарракки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатида мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигидан оқ шаклланади.

...

Одамнинг камоли факат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим.

## ТУРФА ОЛАМ УРФА ОДАМЛАР

### ЯРИМ АСРДАН СЎНГ...

Американинг Теннеси штатидаги шаҳарлардан бирида яшовчи Эдгар Уильямс 81 ёшида, Кэтрин Уильямс эса 75 ёшида қайтадан турмуш қуришди. 51 йил олдин ажрашиб турли шаҳарларга кўчиб кетишган эр-хотин ярим асрдан кўпроқ вақт бир-бирини қуришмаган. Иккаласи ҳам оилали, ували-жували бўлишган. Биринчи никоҳни қариялар ёшликдаги хатолик, дейишмоқда. Тақдирини қарангки, 51 йилдан сўнг учрашиб бир-бирини яна севиб қолишди.

— Бу сеvimиз қатъий, — дейишди қариялар никоҳ оқшомида. — Энди ажралмаймиз. Биз ҳам америкалик қарияларга сеvimизиз абадий бўлсин, деймиз.

### ЭНГ КЎҲНА СУРАТ

Париждаги Sotheby's аукционига қўйилган жаҳондаги энг биринчи фотография Франция миллий кутубхонаси томонидан 450 минг еврога сотиб олинди. Мазкур фотография 1825 йилда яратилган.

Албатта, у ярим миллион фунт стерлингга (810 минг евро) сотилиши ҳам мумкин эди. Аммо, ҳуқуқат мазкур кўна фотографияни Франциянинг миллий бойлиги, дея эълон қилгач, унинг нархи тушиб кетди. Сабаби, миллий бойлик саналган осори-атиқалар мамлакатдан ташқарига олиб чиқилиши қонун билан таъқиқлаб қўйилган.

### ТЕЛЕ-АНОНС

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатув 9 апрель сешанба кунини ЎзТВ1 дастури орқали соат 18.40 да намойиш этилади.